

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ.
ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ»
мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

Вақт 2 соат	Талабалар сони 25
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	“Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазиятлар</i> 1. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти ҳақида тушунча беради	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> 1. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўладилар
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

**“Ер тузишни лойихалаш” фанидан «ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ.
ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ» мавзусидаги
кўргазмали маъруза технологик харитаси**

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

(1-илова)

**МАВЗУ: ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ
ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ТУШУНЧАСИ,
ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ**

Режа

**1. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий
МОҲИАТИ**

Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти

«Хўжаликлараро ер тузиш» атамаси фақат ўтган асрнинг 40 йилларида профессорлар С.А.Удачин ва Г.В.Чешихинларни илмий ишларида пайдо бўлди.

Хўжаликлараро ер тузиш - бу халқ хўжалигида, унинг тармоқларида, ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер эгаллари ва ердан фойдаланишларнинг ер фондлари, хўжаликларнинг ер участкаларини тартибга солиш ва ўзгартириш, янгиларини ташкил этиш, уларни жойларда ажратиш, маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ва махсус кўриқланадиган ҳудудлар чегараларини белгилаш бўйича тадбирлар тизими ва жараёнидир. У мўлжалланган мақсадга, мулкчилик турларига ва фойдаланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча ерларни қамраб олади.

Хўжаликларда ички ер тузишдан фарқли ўлароқ ХАЕТ ҳамма вақт бир неча ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни қамраб олади; фақат қ/х-да эмас, балки, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ерларида ўтказилади. ХАЕТга ер тузиш масалаларининг айрим қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари ҳудудларидан ташқарида ечиладиган қисми киради.

Ер тузишнинг бу тури ёрдамида ерлар халқ хўжалиги тармоқлари, ер фонди тоифалари, ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар орасида тақсимланади ва қайта тақсимланади; ишлаб чиқаришни юритиш, унинг фаолият кўрсатиши, корхоналарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун бошланғич ҳудудий асос яратилади; ер қонунчилиги, экология талабларининг бажарилиши, махсус ҳуқуқий тартибга риоя қилиш таъминланади; ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг (ер участкаларининг) аниқ ҳудудлари ва уларнинг ҳудуддаги чегаралари белгиланади, техника воситалари ёрдамида майдонлари аниқланади.

ХАЕТ ёрдамида ердан фойдаланишни тартибга солиш – ерларни мулкдорлар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар орасида, ер қонунчилиги асосида, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва давлатнинг ер сиёсатини жорий этиш мақсадида тақсимлаш ва фойдаланиш характериға таъсир этиш амалға оширилади. Демак, ХАЕТ - ер ислоҳатини ўтказишнинг асосий механизмидир.

ХАЕТнинг иқтисодий моҳияти ҳудудни ташкил этишнинг барча яратиладиган шакллари ва элементларининг (майдони, ички тузилиши, шакли, жойлашиши, чегаралари) ер тузиш объектининг, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, уни ривожлантириш ва тўла ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги талабларига мос бўлишидан иборат бўлади. Ташкил этилаётган ер эгаллиги (ердан фойдаланиш) корхонанинг ва унинг ишлаб чиқаришининг энг самарали фаолият кўрсатадиган ўлчамларига мос бўлиши керак.

Ер эгалигини (ердан фойдаланишни) ташкил этиш - бу бутун ери тузилаётган ҳудудга тааллуқли бўлиб, ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни тузишни, қайта тузишни, тартибга солишни (такомиллаштиришни) ва ерларни жойларда ажратишни ўз ичига оладиган ер тузиш ишлари тизимидир.

Ер эгаликларини (ердан фойдаланишларни) тузиш - хоҳлаган ерларда янги хўжаликнинг ёки корхонанинг мос ер майдонини яратишдир.

Ер эгаликларини (ердан фойдаланишларни) қайта тузиш - хўжаликлар майдонларини, жойлашинини, шаклини ва сонини сезиларли ўзгартиришдир.

Ер эгаликларини (ердан фойдаланишларни) тартибга солиш - ер участкаларининг ўлчамларини (жойлашиши, майдони, чегаралари) мақсадли яхшилашдир.

Лекин, ХАЕТ тадбирлар тизими сифатида фақат ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш билан тугамайди. Булардан ташқари ер, халқ хўжалиги тармоқлари орасида, тармоқлар ичида, хўжалик объектлари, ер фондлари ва ш.ў. орасида тақсимланади. Бу ХАЕТни ижтимоий-иқтисодий тадбирга айлантиради.

ХАЕТ фақат унга ҳақиқий зарурат туғилганда, объектив сабаблар бор бўлганда ва бошқа ҳеч қандай тадбирлар зарур натижани бермаганда ўтказилади. Ер эгаллиги (ердан фойдаланиш) турғун бўлиши керак, акс ҳолда, у оқилона ва самарали бўлмайди.

Ер эгалликлари (ердан фойдаланишлар) турғунлиги - узок вақтлар ичида хўжаликлараро ер тузиш усуллари билан ўзгартириш киритиш заруратини келтириб чиқарадиган сабаблар йўқлигидан объектив келиб чиқадиган, унинг майдонини ва чегараларини ўзгармас сақлашдир.

ХАЕТнинг омиллари - ХАЕТни ўтказиш заруратини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитлардир. Уларнинг энг асосийлари - фаолияти учун ер участкаси талаб қилинадиган янги хўжаликни (корхона, муассаса, ташкилот) ташкил этиш, яъни, янги ер эгаллигини (ердан фойдаланишни) тузиш, ерлар фондини яратиш, ҳудудий тузилмаларнинг янги чегараларини белгилаш ҳисобланади. Бу омил барча тоифалардаги ерларда ва барча тармоқларда ўз таъсирини кўрсатади.

Бошқа, қуйидаги омиллар фақат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда, қишлоқ хўжалик корхоналарида ўз таъсирини кўрсатади:

- ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ижарачилар ер майдонлари жойлашувидаги ноқулайликлар;

- хўжалик ер майдони ва таркибининг ишлаб чиқариш талабларига ва ердан самарали фойдаланиш бўйича қуйилган вазифаларга мос тушмаслиги;

- ишлаб чиқаришнинг ихтисослиги, ҳажми ва бошқа шароитлари ўзгариши натижасида ер майдонининг ишлаб чиқаришга мослиги бузилиши;

- хўжаликлар ерлари таркибининг ирригация, мелиорация ёки бошқа тадбирлар натижасида кескин ўзгариши;
- хўжаликлараро ва қўшма корхоналар тузиш;
- ўзгариб турувчи иқтисодий шароитга мос келадиган хўжалик юритишнинг янги турларини ташкил этиш зарурати;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ижтимоий ривожланиши;
- сувдан фойдаланишдаги ноқулайликларни тугатиш;
- ер ва бошқа табиий ресурслар муҳофазаси, табиатни қўриқлаш тадбирларини ўтказиш зарурати

ХАЕТ қуйидаги тамойилларга мос тарзда ўтказилади:

- республикамизнинг ер тўғрисидаги қонунларига қаттиқ амал қилиш, хўжаликлар ер майдонларининг турғунлигини ва чегараларининг аниқлигини таъминлаш;**
- ердан илмий асосланган ҳолда, рационал ва самарали фойдаланишни ва қишлоқ хўжалигининг ердан фойдаланишдаги устиворлигини таъминлаш;**
- хўжаликларга уларнинг олдида қўйилган вазифаларини бажаришлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хўжаликнинг ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш учун ҳудудий шароит яратиб бериш;**

- қишлоқ хўжалик корхоналарида ички ер тузишни тўғри ташкил қилиш ва қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарида ердан фойдаланишни тўғри режалаш учун ҳудудий шароит яратиш;
- ерни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш учун шароит яратиш;
- суғорма деҳқончилик минтақаларида сувдан самарали, табиатга зарар етказмасдан фойдаланиш учун ҳудудий шароит яратиш.

1. Хўжаликлараро ер тузиш нимани тушунасиз?
2. Хўжаликлараро ер тузиш қандай ерларда амалга оширилади?
3. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти нимада?
4. Хўжаликлараро ер тузиш қандай вазиятларда ўтказилади?
5. Хўжаликлараро ер тузишни ўтказиш заруратини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларга нималар киради?